

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари телефон орқали мулоқот қилдилар



24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Тожикистон Президенти давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан табриклаб, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилади.

Жорий йилнинг 10-11 июнь кунлари Тожикистон Республикасига расмий ташриф якунлари бўйича қабул қилинган битим ва келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Минтақа кун тартиби, шу жумладан Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан фикр алмашилди.

Ўтган ҳафтада Тошкентда ўтган Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлиги бўйича халқаро конференциянинг муваффақиятли натижалари юксак баҳоланди.

Келгуси ойнинг бошида Туркменистонда минтақа давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ҳамда жорий йилнинг сентябрь ойида Тожикистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ўтказишга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди.

Манба